

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети ректори  
У.Б.Азизов  
2022 йил “25” сенга бр.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Табиий фанлар”  
кафедраси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа  
екинлари илмий-тажриба станцияси ўртасида тузилган

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Дон ва дуккакли экинлар  
илмий-тадқиқот институти,  
озуқа экинлари илмий-тажриба  
станцияси  
директори  
И.Э.Рафиқов

2022 йил “25” сенга бр.

### **ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ**

Бугунги кунда табиатда юз бераётган аномал ҳодисалар ва антропоген  
босимнинг кучайиши натижасида иқлим ўзгариши бутун жаҳон ҳамжамияти  
учун глобал муаммога айланиб улгурди. Айниқса, сув ресурслари тақчил  
бўлган худудларда иқлим ўзгаришларининг маҳсули бўлган сахроланиш  
жараёнлари тез ривожланмоқда. Орол бўйи минтақаси аҳолисининг турмуш  
шароитлари ва сифатини яхшилашга йўналтирилган 2017-2021 йилларда  
Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тасдиқланди. БМТнинг  
Оролбўйи ҳудуди учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик  
Траст фонди тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида  
Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилди. Ҳудудда 2 млн. гектар  
яшил майдон барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Орол  
муаммосининг салбий таъсирини камайтириш, Орол денгизининг қуриган  
тубидаги ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув тежовчи ҳамда  
тузни камайтирадиган технологияларни жорий қилишнинг энг мақбул илмий  
ечимларини ишлаб чиқишига мамлакатимиздаги мавжуд илмий-инновацион  
салоҳиятни жалб этишни талаб этмоқда. Соҳа бўйича илмий ва илмий-педагог  
кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда соҳанинг  
илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион  
изланишларни амалга ошириш ёш мутахассисларни ўз йўналишлари бўйича  
ишга жойлаштириш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети “Табиий фанлар” кафедраси билан Дон ва дуккакли экинлар  
илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси ўртасида  
тузилган

## ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг  
мажбуриятлари:**

1. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станциясининг мутахасислари ва мустақил изланувчилари билан ҳамкорликда тезис, мақола ва монографиялар чоп этиш.
2. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси фаолиятига мос мустақил изланувчиларнинг диссертацияси учун хўжалик юритувчи субъект фаолиятига тегишли мавзуларни белгилаш ва уларга институт илмий ходимларидан иборат тақризчилар тайинлаш.
3. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станциясининг кафедра ихтисослигига тегишли фаолияти тўғрисида маълумотлар базаси билан танишиш.
4. Оролбўйи худудининг тупроқ-икълим шароитларига мос қишлоқ хўжалиги экинлари турларини (навларини) танлаш, уларни қайта жойлаштириш (районлаштириш) ва етиштиришни агротехнологияларини ишлаб чиқиш.
5. Қишлоқ хўжалиги экинлари турларини (навларини) танлаш мавзуси бўйича бажариладиган диссертациялар ҳамда давлат илмий техник дастурлари доирасида бажариладиган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларга Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станциясининг етакчи мутахассисларини илмий раҳбар, илмий маслаҳатчи ва ижрочи сифатида жалб этиш.
6. Навларни шўрга, сувсизликка бардошлиги текшириш, кўчат калинликлари ҳисоблаш, фенологик кузатувлар олиб бориш, оқ жўхори, суданка, африка қўноғи навларини пишиш даврлари бўйича ажратиш.

7. Ўзаро ҳамкорликда бажарилган ишларнинг натижаларини тарғибот қилиш ва нашр этишда институning ҳамкор мутахассислари билан ҳаммуалифлик қилиш.

8. Кафедранинг ҳамкор профессор -ўқитувчилари билан биргаликда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар тайёрлаш ва танловларда қатнашиш.

9. Ўзаро ҳамкорликда қилинган ишланмаларни Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси фаолиятида жорий қилишда иштирок этиш.

**Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станциясининг мажбуриятлари:**

10. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станциясининг малакали мутахассисларига бўлган эҳтиёжи ва уларнинг малакасига бўлган талаблар тўғрисида кафедрага маълумотлар бериш.

11. Кафедра томонидан тавсия этилган мустақил изланувчиларнинг илмий тажрибасини Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станциясида ўташларини таъминлаш.

12. Кафедра мустақил изланувчиларининг диссертатсияси учун Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси фаолиятига тегишли мавзуларни белгилашда ва уларга институт вакилларидан иборат тақризчилар тайинлашда кўмаклашиш.

13. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станциясида мавжуд ва юзага келадиган техник технологик илмий муаммолар тўғрисида кафедрага малумотлар бериш ва маълумотлар базасини шакллантиришда қатнашиш.

14. Ўзаро ҳамкорликда қилинган ишланмаларни Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси фаолиятида жорий қилишда амалий ёрдам бериш.

15. Кафедранинг ҳамкор олимлари билан биргаликда фундамента амалий ва инновацион лойиҳалар тайёрлаш ва танловларда қатнашиш.

16. Ўзаро ҳамкорликда бажарилган ишларнинг натижаларини тарғибот қилиш ва нашр этишда кафедранинг ҳамкор олимлари билан ҳаммуаллифлик қилиш.

17. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси малака оширишларига кўмаклашиш.

18. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Табиий фанлар” кафедрасида бўлиб ўтадиган Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси фаолияти йўналишига боғлиқ илмий-амалий конференсияларда қатнашиш.

### **БОШҚА ШАРТЛАР ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

Мазкур шартномага томонлар келишувига биноан ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартнома муддати чегараланмаган ва томонлар имзо чеккан кундан бошлаб кучга киради. Шартнома томонлардан бирининг талабига асосан бекор қилинади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети табиий фанлар  
кафедраси мудири  
Х.С.Хушвактова

2022 йил 31. авгуаст

Дон ва дуккакли экинлар  
илмий-тадқиқот институти  
Озуқа экинлари селекция ва  
уругчилиги лабораторияси  
мудири  
К.К.Азизов

2022 йил \_\_\_\_\_